

«ТАСДИҚЛАНГАН»
«Qo`qon neftgaz parmalash ishlari»
aksiyadorlik jamiyati кузатув кенгашининг
2017 йил 20 октябрдаги мажлис
қарори билан
Кузатув кенгаши раиси



Ч.М. Мамадалиев

«РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН»
Қимматли қоғозлар бозорини
мувофиқлаштириш ва ривожлантириш
Маркази Фарғона вилоят бошқармаси
бошлиғи


М.Р.Кенжаев

«28» Ноябрь 2017 йил № 000835-сон



ҚУШИМЧА АКЦИЯЛАР ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА ҚАРОР
«Qo`qon neftgaz parmalash ishlari» aksiyadorlik jamiyati

Идентификация рақами берилди



Номинал қиймати 63 сўмдан бўлган 46 924 000 дона оддий эгаси ёзилган хужжатсиз
акциялар

(акциялар тури ва сони, уларни чиқариш шакли, номинал қиймати кўрсатилади)

Ёпиқ обуна усулида

(акцияларни жойлаштириш усули кўрсатилади)

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши:

5- чиқарилишдир

(чиқарилишнинг тартиб рақами)

Тасдиқланган:

Жамият кузатув кенгаши қарори билан

(эмитентнинг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорини тасдиқлаган органи кўрсатилади)

20 октябр 2017 йилдаги мажлис баёни

Акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан

(эмитентнинг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорни қабул қилган органи кўрсатилади)

06 октябр 2017 йилдаги йиғилиш баёни

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили ва мулоқот:

Жойлашган манзили – Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, Истиклол кўчаси 63 уй

Почта манзили – Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, Истиклол кўчаси 63 уй

Индекс: 150700. Электрон почта манзили- kngpi@mail.ru

телефон: - (0373) 542-33-74.

Эмитентнинг рахбари:

Мамараймов Алижон Журабоевич

(Ф.И.Ш)




(ИМЗО)



Бон бухгалтер

Нурматов Бахтиёр Адилевич

(Ф.И.Ш)



(ИМЗО)

Сана: 20 октябр 2017 йил

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): оддий;
2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: **хужжатсиз**;
3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): **63 сўм**;
4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): **46 924 000** дона оддий;
5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): **2 956 212 000 сўм**;
6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:

- жамият акциядорлари реестрига киритилиш;
- ўзи ҳақида депо ҳисобварағидан кўчирма олиш;
- жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- акциядорлик жамияти тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорлик жамиятини бошқаришда иштирок этиш;
- акциядорлик жамиятининг уставига мувофиқ эмитентнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва тўғри ахборот олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- қимматли қоғозлар сотиб олиш вақтида зарар кўриш ва (ёки) фойданинг бир қисмини йўқотиш эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликни суғурталаш;
- Акциядорлар амалдаги қонунчиликда ҳамда жамият уставида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўладилар.

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар:

Жамият уставида ушбу чиқарилишга нисбатан чеклашлар мавжуд эмас.

Мазкур акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорга кўра ушбу чиқарилишдаги акциялар 03.10.2017 йил ҳолатига шакллантирилган акциядорлар реестрида қайд қилинган акциядорлар ўртасида уларнинг акциялари сонига мутаносиб равишда жойлаштирилади.

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): **591 242 400 сўм.**

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):

Илгари ҳар бирининг номинал қиймати 63 сўм бўлган 9 384 800 дона оддий эгаси ёзилган хужжатсиз кўринишдаги акциялар жойлаштирилган.

10. Илгари жойлаштирилган корпоратив облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):

Жамият томонидан илгари корпоратив облигациялар чиқарилмаган ва жойлаштирилмаган.

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби:

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очик ёки ёпиқ обуна):

Ушбу чиқарилишдаги акциялар ёпиқ обуна усулида жамиятнинг 03.10.2017 йил ҳолатига шакллантирилган акциядорлар реестрида қайд қилинган акциядорлар ўртасида уларнинг акциялари сонига мутаносиб равишда жойлаштирилади.

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:

Ушбу чиқарилишдаги акциялар, акцияларнинг чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 60 (олтмиш) иш кунн давомида жойлаштирилади. Бунда:

Жойлаштиришни бошлаш санаси: Акцияларнинг ушбу чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган сана;

Жойлаштиришни тугатиш санаси: Ушбу чиқарилишдаги энг охирги акция жойлашган сана, лекин акцияларнинг ушбу чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган санадан 60 (олтмиш) иш кунидан кечикмасдан.

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

Ушбу чиқарилишдаги акциялар 2017 йил 03 октябр ҳолатига шакллантирилган акциядорлар реестрида қайд қилинган акциядорлар ўртасида ҳар бир акциядорнинг унга тегишли бўлган ҳар бир дона акциясига 1:5 коэффициентда (*яъни ҳар бир дона акция учун беш дона акция*) тақсимлаш орқали жойлаштирилади.

Акцияларни жойлаштириш қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари бозорида фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузмасдан амалга оширилади. Қимматли қоғозларни жойлаштиришда андеррайтерлар жалб қилинмайди.

11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:

Қимматли қоғозларни сақлаш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва инвестиция воситачилари томонидан амалга оширилади.

Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси тўғрисида маълумот:

Тўлиқ фирма номи: «Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси» Давлат унитар корхонаси

Жойлашган жойи: 100000, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани, Мустақиллик кўчаси, 107 уй.

Почта манзили: 100000, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани, Мустақиллик кўчаси, 107 уй.

Телефон ва факс: (0371) 236-14-34; 233-13-57.

Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси ўз фаолиятини «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 21.05.1999 йилдаги 263-сонли «Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийсини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида»ги Қарори асосида юритади.

Қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачилари тўғрисида маълумот:

Тўлиқ фирма номи: «FARG'ONA VAQT» масъулияти чекланган жамият

Жойлашган жойи: 150100, Фарғона шаҳри, Фаробий кўчаси 7-уй.

Почта манзили: 150100, Фарғона шаҳри, Фаробий кўчаси 7-уй.

Телефон: (0 373) 226-26-34.

Инвестиция воситачиси фаолиятини амалга ошириш бўйича лицензия рақами: №1244, Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Маркази томонидан 22.04.2013 йилда берилган.

Лицензиянинг амал қилиш муддати: Лицензиянинг амал қилиш муддати чегараланмаган.

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:

Ушбу чиқарилишдаги акцияларга нисбатан имтиёзли ҳуқуқ қўлланилиши кўзда тутилмаган.

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:

Ушбу чиқалирувдаги акциялар номинал қийматда жойлаштирилади.

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:

Ушбу чиқарилишдаги акциялар учун тўлов жамиятнинг ўтган йиллардаги тақсимланмаган соф фойдасининг капитализация учун ажратилган қисми ҳисобидан амалга оширилади.

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби:

Ушбу чиқарилув амалга ошмаган деб топилган тақдирда, акциялар учун қабул қилинган тўловлар акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб тан олинган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичида қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли бухгалтерия ўтказмалари бериш орқали қайтарилади.

12. Эмитент томонидан Қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:

Ушбу акциялар чиқарилиши билан боғлиқ ахборот қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда қуйидагича ошкор қилинади:

-қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг расмий сайтида: www.openinfo.uz

- жамиятнинг корпоратив веб-сайтида: www.quqon-ngpi.uz;

-агар жамиятнинг қимматли қоғозлари фонд биржасининг листингига киритилган бўлса фонд биржасининг расмий веб-сайтида: www.uzse.uz.

Мазкур акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорнинг асл нусхаси билан барча манфаатдор шахслар Ўзбекистон Республикаси, Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, Истиклол кўчаси 63 уйдаги жамият жойлашган манзили бўйича иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача танишиши мумкин.

Акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор нусхасини манфаатдор шахслар жамиятга ёзма мурожаат қилиб олишлари мумкин.

13. Бошқа маълумотлар: Кўзда тутилмайди.



Ушбу хужжат 4/102/2017
ибораг мухрланди, тикилди

А. Мамараймов

Б. Нурматов

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING
XUSUSIYLASHIRISH, MONOPOLIYADAN CHIQARISH
VA RABOBATNI RIVOJLANTIRISH DAVLAT QO'MITASI
HUZURIDAGI QIYMATLI QOG'OZLAR BOZORINI
RIVOJLANTIRISH VA RIVOJLANTIRISH MARKAZI
FARG'ONA VILOYAT HUDUDIY BOSHQARMASI

RO'YXATDAN O'TKAZILDI

"28" NOYABR 2017 y.

№ 00083-5